

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Усмонов

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун силжишли масала	6
---	---

КИМЁ

И.Асқаров, Ш.Қирғизов

Үрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари.....	11
--	----

Б.Маҳкамов, Д.Гафурова

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибидаги синтез, ион алмашинувининг хусусиятлари.....	16
--	----

Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев

<i>Allochrusa gypsophiloides</i> таркибидаги иккита асосий сапонинни УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш.....	21
---	----

М.Ахмадалиев, И.Асқаров

Кротон альдегиди куб қолдигининг таркибини аниқлаш ва унинг асосида полимеркомпозиция олиш.....	25
--	----

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида.....	29
--	----

А.Ғафуров, О.Ғафуров

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	33
---	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.Холматова

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари.....	38
--	----

Ж.Дадабоева

Оилавий-хуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	42
--	----

И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари.....	47
--	----

А.Ғаниев

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти.....	53
---	----

ТАРИХ

О.Бегматов

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг тариҳий босқичлари.....	57
---	----

Ф.Бобоев

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар).....	65
--	----

А.Махмудов

Бухоро амирлигига таълим тизимини исплоҳ қилиш ва янги усул мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти.....	71
--	----

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Қуронов

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романни илк ва қайта нашрларидағи бир тафовут ҳақида.....	75
--	----

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ҒОЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ФАКТОРЫ РЕАЛИЗАЦИИ ИДЕИ НАЦИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ

SOCIO-PHILOSOPHICAL FACTORS OF IMPLEMENTATION OF THE IDEA OF NATIONAL DEVELOPMENT

И.Сиддиқов¹, Р.Мамасолиев²

¹И.Сиддиқов

- ФарДУ, фалсафа кафедраси ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

²Р.Мамасолиев

- ФарДУ, гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада миллий ғоянинг бунёдкорлик моҳияти ва интегратив функцияси, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида халқнинг ғоявий бирлашувини таъминлаш, унинг асосида миллий юксалиш ғоясини амалга оширишининг ижтимоий-маънавий, сиёсий ва тарихий асослари тадқиқ қилинган.

Аннотация

В статье исследуются сущность и интегративная функция национальной идеи, социально-духовные, политические и исторические основы идеи обеспечения идеиного единения народа на новом этапе развития Узбекистана, ее реализация на основе идеи национального развития.

Annotation

The article explores the essence and integrative function of the National idea, the socio-spiritual, political and historical foundations of the idea of ensuring the ideological unity of the people at a new stage of development of Uzbekistan, its implementation on the basis of the idea of national rise.

Таянч сўз ва иборалар: глобаллашув, ғоя, миллий ғоя, бунёдкорлик, интеграция, ғоявий бирлашув, тараққиёт, миллий юксалиши.

Ключевые слова и выражения: глобализация, идея, национальная идея, созидание, интеграция, идеологическое единение, прогресс, национальное развитие.

Keywords and expressions: globalism, idea, national idea, creativity, integration, ideological unification, development, national rise.

Жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг кучайиши ҳамда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ер юзида давлатлар тарихида кескин бурилиш ясади. Инсониятнинг мутлақо ўзгача муҳит, янгича талаб ва илгарилари кузатилмаган хавф-хатар ҳамда таҳдидлар кучайган бир шароитда яшашига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида таъкидланганидек: “Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси

кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рӯёбга чиқаришни тақозо этмоқда [1].

Дунё миқёсида шиддат билан кечаётган бундай жараёнлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи

кучлар қўлида турли соҳта, зарарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай мураккаб шароитда миллий ва умуминсоний қадриятларни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги даврда ижтимоий менталитетни ўрганишда “жамият стандарт концепцияси”га мансуб асарларда миллий юксалиш ва ғоявий бирлашувнинг конкрет тарихий шароитларда шаклланишини асословчи ижтимоий-маданий механизмлар мавҳумлаштирилган. Хусусан, миллий юксалиш ва ғоявий бирлашув ҳар қандай шахсий хусусиятлардан ҳоли бўлган индивидуал субъект фаолияти сифатида талқин қилинади. Ғоявий бирлашув тушунчасининг мазмунига америкалик олим Р.Г.Стеренберг берган таърифда унинг даражалари ва типлари ҳамда кундалик ҳаёт фаолиятида шаклланувчи руҳий фаолият, шунингдек, илмий фаолият билан алоқасига урғу берилади [2,31]. Бу эса ҳозирги давр тараққиёт усусларида тўлиқ намоён бўлади. МДҲ давлатларида В.С.Алексеев [3], И.В.Апостолова [4], А.К.Бахтияров [5], Е.А.Волкова [6], Т.М.Гуревич [7,163-166], А.М.Джалалов [8,11], С.И.Самыгин, Л.Д.Столяренко [9,61] каби олимларнинг асарлари ҳам айни шу мавзуга бағишланган.

Баъзи фалсафий-методологик илмий тадқиқотларда миллий юксалиш ва ғоявий бирлашув асосларининг муҳим элементларидан бири глобаллашув эканлиги таъкидланади. У конкрет илмий ва фалсафий дунёқарашга оид билимни тизимлаштириш ва синтезлашнинг алоҳида назарий шакли ҳисобланади. Бундай ёндашув С.Отамуродовнинг “Глобаллашув ва миллат”, “Глобаллашув: миллий ўзликни англаш муаммолари” [10], А.Н.Чумаковнинг “Глобализация” [11] монографиясида асосланган.

Ўзбекистоннинг ҳозирги давр фалсафий илмий адабиётларида менталитет муаммоси М.Н.Абдуллаева, М.Бекмуродов, А.Бегматов, А.М.Жалолов, Ш.О.Мадаева, Ф.Атамуродова, Г.Х.Расулема, Э.Х.Расулем, Ж.Т.Туленов,

А.Ф.Файзуллаев, Н.А.Шермухамедова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Миллий юксалиш ва ғоявий бирлашувнинг ўзига хос хусусиятлари Ж.Т.Туленовнинг “Мустақиллик ва миллий тикланиш” асарида ижтимоий менталитет миллий ўзликнинг ўсишига боғлиқлиги изоҳланган. Ж.Т.Туленовнинг: “Тил учун курашда ўзбек халқи ўзини кўрсатди. Энг муҳими, халқ уйғонди” [12,163], деган фикрида ижтимоий менталитетнинг тил билан боғлиқ муҳим жиҳати очиб берилган.

Ж.Т.Туленовдан фарқли ўлароқ, Г.Х.Расулема редукционистик миллий юксалиш ва ғоявий бирлашувни таклиф қилади. Унинг фикрича, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг яшаш шароитлари билан белгиланадиган мезонларгина амал қиласди. Редукционизм эса мураккаб обьектларни тизимнинг “аниқ фанлар” методлари билан тадқиқ этиш мумкин бўлган содда қисмларига боғлаб ўрганиш усулидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, у технократик миллий юксалиш ҳамда ғоявий бирлашув билан бевосита боғлиқ. Э.Х.Расулем ва К.Ж.Туленова миллий юксалиш ва ғоявий бирлашув муаммосини ўрганишга жамиятнинг иқтисодий ҳаёти нуқтаи назаридан ёндашади. О.Ф.Файзуллаев миллий юксалиш ва ғоявий бирлашув дунёқарашни танлашдан бошланади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, миллий юксалиш ва ғоявий бирлашув моддий ёки маънавий бойишнинг, яхшилик ёки ёмонликнинг устун қўйилишида намоён бўлади.

Жамиятни сафарбар этувчи куч сифатида эса бу жараёнда азалдан халқнинг маънавий-руҳий таянчи бўлган миллий ғоя муҳим ўрин тутган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”[13].

Бугун халқимиз, Ватанимиз интилаётган миллый тараққиётнинг янги босқичига хос асосий хусусиятлар, мақсад ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев бошчилигига ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси ва бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилди. Уларда жаҳондаги, Марказий Осиё миңтақасидаги вазият, ривожланиш тенденциялари, истиқболдаги тараққиёт йўллари чуқур таҳлил этилган.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган кент қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнида миллый ғояни ривожлантириш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Дунёда кечеётган глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатлари, янги мафкуравий хавф ва таҳдидлар кўламининг кенгайиб бораётгани мазкур масаланинг аҳамиятини янада оширмоқда. Миллый ғоя инсон, халқ ва жамият ҳаётига чуқур кириб борадиган таъсирчан омил сифатида жамиятнинг бош мақсадини ифода этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида, миллый тикланишдан – миллый юксалиш сари, деган улуғ мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқмоқда. Миллый юксалиш ғоясининг асосий вазифаси: Ўзбекистонни 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига киришига эришиш; ҳаёт сифатининг юқори даражасини таъминлашга қодир иқтисодий механизmlарни жорий этиш орқали одамларнинг ҳаёт даражасини тубдан оширишга эришишdir[14]. Жаҳон тарихида халқларнинг юксалиши уларнинг маънавий, ғоявий бирлашувидан бошланган. Улар айнан миллый ғоя асосида мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтган. Миллый ғоя уларни Ватанга бўлган садоқати, маънавияти ва маданиятини юксалтириб, буюк мақсадлар сари сафарбар этган.

Ривожланган демократик мамлакатларда миллый ғоя тараққиётга ундовчи куч сифатида халқларнинг азалий миллый қадрият ва хусусиятларига боғлаб сингдирилган. Унинг қудратли мафкуравий таъсирни мамлакат аҳолисини умумий

мақсадлар йўлида бирлаштирган. Шу боис ҳам, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида кўп миллатли халқимизнинг ягона миллый ғояси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан, шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ютуқларини ҳам ўзида мужассам этади. Тарих сабоқларига кўра ҳар бир жамият тарихида шундай бурилиш даврлар бўладики, унда тараққиёт йўлидан бораётган халқлар тақдирни учун дориломон ва муайян ривожланиш босқичига хос устувор тамойиллар ҳамда долзарб вазифаларни аниқлаш ҳаётий эҳтиёжга айланади. Бугунги давр худди ана шундай миллый давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган, миллый тикланишдан миллый юксалиш сари – Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи учун устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб олинаётган, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни 2030 йилгача бўлган даврда дунёнинг энг илғор 50 та давлати қаторига киритиш учун вазифалар белгилаб олинган даврдир[15,5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-кудрат манбай бўладиган миллый ғояни ривожлантишимиз зарур. Хусусан, миллый ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши зарур” [16].

Миллый ғоя барча замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этадиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, жамият аъзоларининг эзгу орзу-интилишлари, туб манбаатларини ўзида акс эттирадиган ва шу йўлда бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, муттасил ривожланиб борадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар тизимиdir.

Миллый ғоя Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, илмий ва фалсафий манбаларидан озиқланади ҳамда бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган дунёга мос равишда ўсиб,

такомиллашиб боради. Халқнинг буюк мутафаккир ва алломалари, давлат ва жамоат арбоблари, атоқли ижодкор ва зиёлиларининг қарашлари, бой маънавий-маърифий мероси миллий ғоянинг ана шундай негизларини ташкил этади. Ўз навбатида, миллий ғоя халқнинг дунёқараши, тарихий ўзлиги ва миллий тарбиясининг маънавий манбай сифатида ёш авлод онгига миллий ва умумисоний қадриятларни сингдириб боради.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида амалга оширилаётган кенг қамровли испоҳотлар, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнларида миллий ғоянинг таъсирчанлигини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги № Ф-5465 Фармойиши [17] муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фармойишига мувофиқ мамлакатда барча соҳаларни ривожлантириш, жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини тўлақонли рӯёбга чиқариш борасида олиб борилаётган испоҳотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган миллий ғоя ва мафкуравий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида: “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди”[18].

Давлат раҳбарининг 2017 йил 14 февралдаги Фармойиши билан Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур фармойиш асосида, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертизни жамоатчилик муҳокамасини самарали ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни мукаммал амалга ошириш, фуқаролик жамияти институтларини, экспертилар ва олимларни мамлакатимизни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадида “Тараққиёт стратегияси” маркази ташкил этилди”[19]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги ташаббуси доирасида реформаларни қўллаб-куватлаш мақсадида “BUYUK KELAJAK” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

(ХННТ) ташкил этилди ва “Ўзбекистон-2035” лойиҳаси йўлга қўйилди[20].

ХННТнинг асосий таҳлил қилувчи органи бўлиб, 30 тадан ортиқ мамлакатда тажриба орттирган 240 нафардан ортиқ тажрибали юртдошни бирлаштирган Экспертлар кенгаши ҳисобланади. Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган испоҳотларга кўмак бериш, испоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятни жадал ривожлантириш йўлида эксперт маслаҳатлари билан қўллаб-куватлаш ташкилотнинг мақсади ҳисобланади.

2018 йил 28-29 июнь кунлари “BUYUK KELAJAK” халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ва “Тараққиёт стратегияси” маркази томонидан “Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” мавзусида халқаро форум ташкил этилиб, унинг доирасида мамлакатимизни узоқ муддатли ривожлантиришнинг стратегияси концепциясини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан ҳолда Президентнинг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон қарори асосида Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан Республика Маънавият ва маърифат маркази қайта ташкил этилди [21].

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташки таҳдид ҳамда хавфхатарларга қарши самарали курашиш, жамиядаги мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 май куни “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармойиш ва қарорлари ижроси доирасида миллий ғояни ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб бориш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини янада яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланди. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чоратадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур доирасида республика бўйлаб “Маънавият фестивали” ва “Иилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” танлови ўтказилди. “Бу йилда ўқиш зарур бўлган 100 та китоб” рўйхати тузилди. “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони таъсис этилди. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳамда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси ишлаб чиқилмоқда.

Харакатлар стратегиясида белгиланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурларнинг ҳаётга татдиқ этилиши аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда [22].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган улуғ мақсад йўлида амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг марказида энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ, манфаатлари турганлиги ниҳоятда муҳим воқеликдир. Шу маънода Миллий ғояни ривожлантириш концепциясида ҳалқнинг ҳаёт сифатини юксалтириш, “Ҳалқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалққа хизмат қилиши керак”, деган ғояга қатъий амал қилиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, оналик ва болаликни, оиласи, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хорижда яшаб таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ватандошлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, уларнинг ўз билим ва тажрибаси, ақл-заковатини Ўзбекистон равнақи йўлида ишлатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларнинг алоҳида қайд этиб ўтилгани нафақат концепциянинг ҳаётлигини таъминлаган, шу билан бирга реал мақсадларнинг қўйилганлиги, мамлакат аҳолисининг баҳтили ва фаровон яшashi учун барча имкониятлар ишга солинишини аниқ ифодалаганлиги билан ҳам аҳамиятлиdir [23].

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичида кўп миллатли ҳалқнинг ягона миллий ғояси дунё ижобий тажрибасининг нафақат маънавий-маърифий, тарбиявий-ахлоқий жиҳатларини, балки ижтимоий-сиёсий

ва иқтисодий соҳалардаги, жумладан, шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш билан боғлик муҳим ютуқларини ҳам ўзида мужассам этади.

Қабул қилинган концепциялар ва хужкатларда мамлакатда миллий юксалиш ғояси асосида амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар акс этган. Миллий юксалиш ғояси Ўзбекистонда тинчлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағриенгликни мустаҳкамлаш, демократик тамойилларни тўлиқ қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва адолат, моддий ва маънавий ҳаётни баробар ривожлантириш каби тамойилларни ўзида бирлаштиради. Ушбу хужкатларда белгиланган мақсад ва вазифаларда ҳалқнинг бутун орзу-истаклари, интилишлари ўзининг ифодасини топган. Хусусан, Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элатлар ўртасида “Ягона Ватан туйғуси”ни янада мустаҳкамлаш, жамиятнинг барча жабҳаларида адолат – қонун устуворлигини таъминлаш, ҳалқ розилигига эришиш, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, бугунги замон талабидан келиб чиқсан ҳолда илм-фан, таълим-тарбияга катта эътибор қаратиш, иқтисодиётга инновацион ёндашувни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилган. Бу борада ишлар самарасини ошириш учун олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиши ҳолатини чукур ўрганиб чиқиш керак. Ана шунда ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиси миллий ғоя тарғиботчисига айланади [24].

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари бориша иқтисодиётни, бутун мамлакатни инновацион асосда ривожлантириш муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз бирор-бир соҳа ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – бу, ҳалқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Инновацион тараққиёт билан ҳалқимизнинг анъанавий миллий турмуш тарзи ўртасида ўзига хос уйғунликни таъминлаш орқали Ўзбекистонга хос миллий тараққиёт моделини яратиш устувор вазифа ҳисобланади. Миллий юксалиш ғояси ҳалқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида Учинчи Ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилади [25].

Ўзбекистоннинг мустақил тарраққиёт йўлидан ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган миллий юксалиш ғоясини тарғиб қилишда сиёсий онглилик муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Sterenberg R.G. Mental self-government. A theory of intellectual styles and their development // Human Development. 2015. Vol. 3.
3. Алексеев В.С. Наука и мировоззрение. – М.: Политиздат, 2013.
4. Апостолова И.В. Научный менталитет – София, 2013.
5. Бахтияров К.И. Менталитет в науке // Вестник Московского университета. Серия “Философия”. 2000. №1.
6. Волкова Е.А. Национальный менталитет как фактор межкультурной коммуникации// Научная жизнь - 2015. №2.
7. Гуревич Т.М. Национально-культурная обусловленность непрямой коммуникации. //Вестник МГИМО-Университета 2013 №2.
8. Джалалов А.М. Национальная идея и идеология национальной независимости: философские основания // Миллий истиқбол ғояси ва мағкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: Фан, 2001.
9. Самыгин С.И., Столяренко Л.Д. Общественные настроения и будущее нации. – М., 2001.
10. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. -Т., 2008; Глобаллашув: миллий ўзликни англаш муаммолари. –Т., 2018.
11. Чумаков А.Н. Глобализация. З-е изд. – М.: Проспект, 2017.
12. Туленов Ж.Т. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б.163.
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси// “Халқ сўзи” газетаси. -2017 йил 23 декабрь. -№ 258
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил 12 декабрь.
15. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари ва маъruzalariдан олинган фикрлар. Нашрга тайёрловчилар: О.Салимов, Қ.Қуронбоев, М.Бекмуродов, І.Л.Тангриев. -Т.: Yoshlar nashriyot uyi, 2019.
16. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси. -2018 йил 29 декабрь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги № Ф-5465 Фармойиши. “Халқ сўзи”. - 2019 йил 8 апрель.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи”, 2019 йил 12 декабрь.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Тараққиёт стратегияси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-4849-сонли Фармойиши // “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 14 февраль. / <https://president.uz/>. <https://strategy.uz> 01.12.2018.
20. "BUYUK KELAJAK" ҳалқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (ХННТ) 2018 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлигига рўйхатга олинган. /www.uza.uz. 6.12.2018.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори. “Халқ сўзи”. - 2017 йил 29 июль.
22. Миркомилова Ф. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари – тараққиётимизнинг маънавий асоси. “Халқ сўзи”. - 2019 йил 12 сентябрь.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4307-сонли Қарори. “Халқ сўзи”. - 2019 йил 4 май.
24. <http://uza.uz/oz/society/milliy-oyani-rivozhlantirish-kontseptsiyasi-umumkhal-mu-okam-12-12-2019>.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи”. - 2019 йил 12 декабрь.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.)